

Туркменистон Президенти Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди



Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов мамлакатимизга давлат ташрифининг биринчи куни якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурда “Кўксарой” қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди.

Ушбу эзгу анъана яқин йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ва стратегик шерикликни кенгайтириш учун пойдевор бўладиган олий даражадаги музокараларнинг сермаҳсул натижаларини мустаҳкамлайди.

Туркменистон раҳбари томонидан экилган дарахт халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари бузилмас эканининг рамзларидан бири бўлиб хизмат қилади.



Манба